



Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 245 (13.842)

Баҳоси эркин нарҳда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИНИНГ БАЙРОҒИ ВА ЭМБЛЕМАСИ НАМУНАЛАРИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ички ишлар органлари бирдамлигини, ходимларни Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш, улар томонидан "Халқ манфаатларига хизмат қилиш" хизмат бурчи сўзсиз бажарилишини таъминлаш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ички ишлар органлари фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида" 2017 йил 12 апрелдаги ПҚ-2883-сонли қарорига мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг байроғи ва эмблемаси намуналари 1 ва 2-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.
2. Белгилансинки, байроқ ва эмблемани тайёрлаш, фойдаланиш ва сақлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири томонидан тасдиқланади.
3. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президенти Админист-

рацияси раҳбари З.Ш.Низомиддинов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б.М.Мавлонов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ
Тошкент шаҳри,
2018 йил 24 декабрь



- Марказий ҳарбий округнинг "Фориш" тоғ-дала ўқув майдонида Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги томонидан илк бор мuddатли ҳарбий хизматчи оддий аскарлар ўртасида "Илгор мутахассис" кўрик-танлови бўлиб ўтди. Кўрик-танловда барча ҳарбий округлардан ҳарбий хизматчилар иштирок этди. Иштирокчилар тегишли номинациялар учун назарий ва амалий синовлардан ўтишди.
- Бухоро вилояти Вобкент туманида янги йил байрами арафасида "Файрат Чодак" масъулияти чекланган жамиятининг замонавий тикувчилик корхонаси иш бошлади. Турли операцияларни бажара оладиган ва ишни конвейер асосида ташкил этиш имконини берадиган 500 дан зиёд тикув машинаси ҳамда бошқа тегишли дастгоҳлар билан жиҳозланган корхона йилига 1 миллион 500 минг донагача жинси шимлар ишлаб чиқариш қувватига эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 24 декабрдаги ПФ-5602-сонли Фармониغا 1-илова

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг байроғи ТАВСИФИ



Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги байроғи (кейинги ўринларда – байроқ) тўқ кулранг – тўғрибурчакли матодир. Байроқнинг олд ва орқа томонлари марказида геральдик белги – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги эмблемаси тасвир-

ланган. Эмблема диаметри 98 сантиметрли айлана ичига чизилган. Байроқнинг узунлиги 250 сантиметрга, кенлиги 125 сантиметрга тенг. Байроқ бошқа ўлчамларда ҳам бўлиши мумкин, бироқ барча ҳолатларда байроқнинг кенлиги ва узунлиги 1:2 нисбатда бўлиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг геральдик белгиси – эмблемаси ТАВСИФИ



Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги геральдик белгиси – эмблемаси четлари бронза рангда хошиланган ҳалқали тўқ қумуш айлана кўринишига эга. Ички чизик марказида ҳаётлий кучни ифодаловчи қизил рангли йўл-йўл чизик туширилган.

Халқали чизикнинг тепа қисмида бронза рангли тўғри босма ҳарфларда лотин алифбосида "O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI", пастки қисмида "ICHKI ISHLAR VAZIRLIGI" сўзлари ёзилган. Ёзувлар қатъият, матонат ва шон-шарафни ифодаловчи иккита саккиз қиррали юлдуз билан бир-биридан ажратилган. Айлана ўртасида Амир Темур кўшинлари томонидан фойдаланилган ҳамда ички ва ташқи таҳдидлардан ҳимояни ифодаловчи доирасимон қалқон тасвирланган. Қалқон марказида доира ичига чизилган ўнгга айланишни акс эттирувчи октограмма бўлиб, у тартиб, мувозанат ва камолотга етишишни англатади. Қалқон четлари миллий орнамент билан безатилган. Қалқон ортида – тиги пастрга қартилган ва диагональ тарзда кесишган икки шамшир – куч ва ҳимоя-

нинг қадимий рамзи жойлашган. Шамширларнинг дастаси Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари фаолиятининг асосий принциплари – қонунийлик, ягоналик, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига риоя этиш ҳамда хурмат қилиш, очиқлик ва шаффофликни ифодаловчи тўртта хошиядан иборат. Қалқон хошияси графит кулранг, шамширлар қумушрангда. Қалқон ва шамширлар ортида тилла рангда ишланган, қанотлари ёйилган, омад ва бахт рамзи бўлган Хумо қуши тасвирланган. Бундай жойлашув мамлакатда тинчлик ва осойишталик ҳимояланганлигини, ички ишлар органлари халқ манфаатларига хизмат қилишини ифода-лайди. Геральдик белги бир рангли (силуэт) тасвирда бажарилиши мумкин.

ЎЗБЕКИСТОН – ҲИНДИСТОН: ҲАМКОРЛИҚДА КАДРЛАР ТАЙЁРЛАНАДИ

Ўзбекистон Савдо-саноат палатасида Ўзбекистон – Ҳиндистон тадбиркорликни ривожлантириш марказининг очилишига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон савдо-саноат палатаси раиси Адхам Икромов, Ҳиндистон тадбиркорликни ривожлантириш институти директори Сунил Шукла, Ҳиндистоннинг мамлакатимиздаги Факултетида ва мухтор элчиси Винод Кумар, шунингдек, ишбилармон доира вакиллари иштирок этди.

Таъкидланганидек, Ўзбекистон билан Ҳиндистон ўртасидаги ўзаро ишонч руҳидаги манфаатли ҳамкорлик барча соҳаларда изчил ривожланмоқда. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ҳиндистонга давлат ташрифи чоғида имзоланган келишувлар мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликнинг янги – тарихий босқичини бошлаб берди. Ўзбекистонда Ҳиндистон тадбиркорликни ривожлантириш институти марказини ташкил этиш бўйича эришилган битим юртимизда корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш, бу борадаги илгор халқаро моделлар ва стандартларни жорий этишда инсон капитали иштирокини рағбатлантиришга қаратилган.

Ўзбекистон – Ҳиндистон тадбиркорликни ривожлантириш марказини молиялаштириш учун Ҳиндистон ҳукуматининг 800 минг АҚШ долларидан зиёд маблағи йўналтирилган. Ушбу марказ мамлакатимизда тадбиркорлик соҳасида кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишда замонавий ёндашувлар ҳамда илм-фан ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этишга қўмақлашади. Шунингдек, саноат ва тадбиркорлик субъектларининг иш самарадорлигига хизмат қиладиган илмий ишланмаларни яратишни қўллаб-қувватлаш, тадқиқот натижаларини таҳлил қилиш орқали бизнес доира вакиллари учун зарур тавсиялар ишлаб чиқади.

Улугбек ШОНАЗАРОВ, ЎЗА муҳбири



Пойтахтимизда "Йил аёли – 2018" миллий танлови ва "Нафосат – 2018" кўрик-танлови ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

ИЖОД, ИҚТИДОР ВА ЛАТОФАТ НАМОЙИШИ

Тадбирда мамлакатимизнинг академик ва қаҳрамон аёллари, давлат ва жамият бошқаруви, илм-фан, саноат, иқтисод, таълим-тарбия ва соғлиқни сақлаш соҳаларида хизмат қиладиган хотин-қизлар, шунингдек, тадбиркорлар, илгор фермерлар, маҳалла мутахассислари ва нуруний онахонлар иштирок этди. Танловдан кўзланган асосий мақсад мамлакатимиз хотин-қизларининг оила ва жамиятдаги фаоллигини таъминлаш, уларнинг иқтидор ва имкониятларини намоён этиш орқали илгор ҳаёт ва иш тажрибасини оммалаштиришга қаратилгандир.

Бу йилги танловнинг худудий босқичларида 1286 нафар хотин-қиз иштирок этган бўлса, улардан 140 нафари мамлакат босқичига йўланма олди. Танловнинг мамлакат босқичида ғолиб бўлган 16 нафар иштирокчи "Йилнинг энг ватанпарвар аёли", "Йилнинг энг фаол оlima аёли", "Йилнинг энг илгор тадбиркор аёли", "Йилнинг энг яхши ижодкор аёли", "Йилнинг энг кучли маънавий-маърифий тарғиботчиси", "Йилнинг энг фидойи шифокор аёли", "Йилнинг энг жонқуяр устози", "Йилнинг энг фаол соғлом турмуш тарзи ташкилотчиси", "Йилнинг энг янги гоғалар ташаббускори" каби номинациялар бўйича тақдирланди.

(Давоми 2-бетда)

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ КАСАБА УЮШМАЛАРИ УМУМКОНФЕДЕРАЦИЯСИ АЪЗОСИ БЎЛДИ

Тошкентдаги "International" меҳмонхонасида Касаба уюшмалари Умумконфедерацияси ижроия кўмитасининг сайёр йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси раҳбарияти ва масъул ходимлари, тармоқ касаба уюшмалари Республика кенгашлари ва худудий касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмалари раҳбарлари, шунингдек, Касаба уюшмалари Умумконфедерацияси ижроия кўмитаси раҳбарлари ва аъзолари, Арманистон, Беларус, Озарбайжон, Тожикистон, Қирғизистон каби давлатларнинг касаба уюшмалари раҳбарлари иштирок этди. Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси раи-

си Қудратилла Рафиқов, Касаба уюшмалари Умумконфедерацияси президенти Михаил Шмаков, Касаба уюшмалари Умумконфедерацияси вице-президенти, МДХ ўрмон хўжалиги тармоқлари халқаро касаба уюшмалари федерацияси раиси Виктор Карношин ва бошқалар касаба уюшмалари фаолиятида халқаро ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш инсон ҳуқуқ ва манфаатларининг муҳим омилли эканини таъкидлади.

(Давоми 2-бетда)



- Индонезияда Анакиракатау вулканининг отилиши натижасида Зонд кўрфазига киргокларида рўй берган кучли цунами тўфайли сўнги маълумотларга кўра, 370 киши ҳалок бўлди, 600 дан ортиқ одам жароҳатланди, 100 дан ошқ аҳоли бедарак йўқолди. Кўплаб бино ва турар жойлар вайрон бўлди. Ҳозирда уй-жойлари бузилган 12 минг киши тоғ тепасидаги вақтинчалик лагерларга жойлаштирилди. Цунамининг қайтарилиши хавфи келгуси душанбагача мавжуд бўлади.
- Японияда 1999 йилда хризантема тахтига ўтирган мамлакат императори Акихитонинг кутлуғ 85 ёшга тўлганлиги муносабати билан уюштирилган маросимда 75 минг киши иштирок этди.
- Дастурий таъминот ишлаб чиқарувчи Microsoft Corp компаниясининг капиталлашуви сўнги савдолар пайтида АҚШ ва дунёнинг энг қимматбаҳо компанияси бўлмиш Арренининг бозор қийматидан ошиб кетди. Савдолар натижасига кўра Microsoft Corp акциялари 2,4 фоизга қимматлашган, бу орада Арреники 0,5 фоизга арзонлашган. Таъкидлаш жоизки, бозор қиймати 1 триллион доллардан кўпроққа етган Аррле смартфонлар савдоси ўсиши секинлашиши хавотири остида 20 фоизга арзонлашиб кетди.

“AZR TEXTILE GROUP” МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

барча юртдошларимизни
яқинлашиб келаётган 2019 – Янги йил
байрами билан қутлайди.
Юртимиз тинч, осмонимиз
мусаффо бўлсин.
Ватанимиз гуллаб-яинасин.
Тадбиркорлик ривожлансин.
Олдимизга қўйилган
барча мақсадларимизга эришайлик.
Янги йилнингиз муборак бўлсин, азизлар!

“GALLA ALTEG” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

барча ҳамюртларимизни қувончу
шодликлар ила кириб келаётган – Янги йил
байрами билан чин кўнгилдан қутлайди.
Янги йилда дилингизга
туғиб қўйган орзуларингиз амалга ошсин,
хирмонларимиз донга, дастурхонларимиз
ширин нонларга тўлсин.
Эшик қоқаетган янги
2019 йил барчангизга муборак бўлсин!

“18-АВТОБУС САРОЙИ” МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

мамлакатимизнинг меҳнатсевар,
тангли, бунёдкор аҳлини яқинлашиб
келаётган Янги йил байрами билан чин
қалбдан муборакбод этади.
Элимизнинг ризқи зиёда, толеи
баланд бўлсин, кўнглимиздаги
энг эзгу, энг олижаноб тилакларимиз
2019 йилда амалга ошсин.
Юртдошларимизга
сиҳат-саломатлик,
оилаларига қут-барака,
фаровонлик ва шодлик тилаймиз!

“4-АВТОБУС САРОЙИ” МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

қадрли юртдошларимизни
Янги йил байрами билан чин дилдан табриклайди.
Азизлар, Янги йил қувончлари йил бўйи
барчамизга ҳамроҳ бўлсин. Юртимиз тинч,
осмонимиз мусаффо, дастурхонимиз тўкин,
халқимиз эса янада фаровон яшасин!



БОЛАЖОНЛАРГА БАЙРАМ ТУҲФАСИ

Янги йил тобора яқинлашмоқда. Ҳаммаёқ байрамона безатилган. Янги йил айниқса, болажонлар учун ўзига хос совғаларга бой тарзда кечади.

Учтепа тумани Маданият ва дам олиш маркази концертлар залида янги йил муносабати билан Ўзбекистон ЛиДеП Учтепа тумани Кенгаши ташаббуси билан байрам тадбири ташкил этилди. Байрамга тумандаги 30 га яқин маҳалладан ижтимоий ҳимояга муҳтож оила фарзандлари таклиф этилди.

Болажонлар учун байрам дастурига махсус "Алдоқчининг жазоси" номли театрлашган томошани тайёрлади, — дейди бадий раҳбар Ҳикматилла Гадов. — Эртақ қаҳрамони Қорбобо ва Қорқиз томонидан тайёрланган совғага раҳна солмоқчи бўлган бола. У охирида ўз жазосини олади. Қилган ишдан пушаймон бўлади. Ушбу томошани "Кўнгил" халқ театри тўғрақ аъзолари ижро этишган.

Маҳалламиздан ЎзЛиДеП Учтепа тумани Кенгаши томонидан уюштирилган байрам тадбирига ижтимоий ҳимояга муҳтож оила фарзандларидан ўн нафарини олиб келдик, — дейди "Ширин" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Гулжаҳон Ҳасанова. — Болажонларимиз эртақнамо саргузаштларга бой сахна чиқишларини кўриб жуда ҳам хурсанд бўлишди.

Халқ депутатлари Учтепа тумани Кенгаши депутати Улугбек Ҳакимовнинг айтишича, ЎзЛиДеПдан сайланган туман Кенгаши депутатлари томонидан бу каби байрам тадбирлари мунтазам ўтказиб турилади.

Бугунги тадбирда ҳам тумандаги кам таъминланган оила фарзандларини таклиф этдик. "Ҳеч бир бола эътибордан четда қолмасин", деган ташаббус билан байрамни ташкиллаштирдик, — дейди у. — Бу ерга келган ҳар бир болага албатта, совға улашилди.

Тадбир сўнггида танлов ташкил этиб, савол-жавобларда ютиб чиққан ўқувчиларга ҳам алоҳида совғалар берилди.

Ш.ЗОКИРОВ

Янги йил нашидаси

МЕҲР-МУРУВВАТГА ЙЎҒРИЛГАН ТАДБИР

Ногиронларга меҳр-мурувват кўрсатиш, бир оғиз ширин сўз билан уларнинг кўнгилларини кўтариш энг савоб амаллардан ҳисобланади. Бизнинг озода ва обод заминимизда бундай ишларга катта эътибор қаратилмоқда.



Кўзи ожизлар жамияти Шайхонтоҳур туман бўлими ҳам ўз аъзолари ҳолидан доимо хабар олиш, ҳар бир байрамда уларнинг кўнгилларига илиқлик бахш этишни қанда қилмайди. Янги йил байрами олдидан ҳам бўлим томонидан чиройли маънавий-маърифий тадбир ташкил этилди.

Эрта тонгданоқ карнай-сурнай ва ногора сандолари узоқ-яқиндан ташриф буяраётган жамият аъзоларини "Райхон" миллий таомлар кафега чорлади.

Тадбир давомида янги йил табрикларию илиқ дил сўзларининг кети узилмади. Йиғилганларни кўзи ожизлар жамиятининг Тошкент шаҳар бўлими раиси Рустам Асқаров, Ўзбекистон халқ артистлари Теша Мўминов, Гаҳар Зокирова ва бошқалар қутладилар. Шоира Ақида Азизованинг шеърлари тадбир иштирокчиларида катта таассурот қолдирди. Хушовоз хонандалар

Рустам Раҳимов, Гайбулла Қулабдуллаев, Дилфуза Нурметовалар ижросидаги мумтоз ва замонавий куй-қўшиқлар жамият аъзоларини рақсга чорлади. Айниқса Шайхонтоҳур туманидаги 115-мактабнинг ўқувчи қизлар ансамбли томонидан тайёрланган жозибали рақслар дарага ўзгача файз бағишлади.

Тадбир ҳомийлари — "Фортуна текс" хусусий корхонаси, "Боло ҳовуз" кафеси, "Лабзак" тўйхонаси, "Квадро" ресторани раҳбариятига беминнат мурувватлари учун миннатдорчилик билдираман, — дейди кўзи ожизлар жамияти Шайхонтоҳур тумани бўлими раиси Талъат Азизов. — Зеро; меҳр-шафқатга муҳтожларни қўллаб-қувватлаганлар ҳеч қачон кам бўлмайди.

Даврон НУРМАТОВ
СУРАТЛАРДА: байрам тадбиридан лавҳалар Темур Камиллов олган суратлар

Спорт

ФАОЛ СПОРТЧИЛАР МУНОСИБ ТАҚДИРЛАНДИ

Пойтахтимизда Ўзбекистон касабаси уюшмалари федерацияси томонидан йил давомида эришган ютуқлари ва спортнинг қатор турларини оммалаштиришга қўшган муносиб ҳиссаси учун касабаси уюшма фаолларидан таркиб топган спорт жамоаларини тантанали тақдирлаш маросими ўтказилди.

Ўзбекистон касабаси уюшмалари федерацияси томонидан спортнинг оммавийлигини ошириш, меҳнатқашлар ва уларнинг оила аъзоларини жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, меҳнат жамоаларида ходимлар гимнастикасини жорий этиш ва турли спорт мусобақаларини ўтказиш йўналишларида тизимли ишлар олиб борилмоқда. Мамлакатимизнинг ҳар бир ҳудудда турли соҳа ходимлари ўртасида қатор спорт тадбирлари ўтказиб келинмоқда.

Шу билан бирга Ўзбекистон касабаси уюшмалари федерациясининг спорт жамоаси шакллантирилиб, улар вазирилик, идора ва ташкилотлар ходимлари ўртасида ўтказилаётган мусобақаларда муваффақиятли иштирок этиб келмоқдалар. Хусусан, федерациянинг спорт жамоаси жорий йилда вазирилик, идора ва

ташкilotлар ходимлари ўртасида ўтказилган "Дўстлик спартакиадаси"да спортнинг шахмат тури бўйича биринчи, шашка мусобақаларида экинчи, футбол тури бўйича эса учинчи ўринни эгаллади.

Тадбирда "Дўстлик спартакиадаси" спорт мусобақаларида қўлга киритган ютуқ ва муваффақиятлари эътироф этилиб, ғолиб ва совриндор бўлган 12 нафар касабаси уюшма спортчиси муносиб рағбатлантирилди.

Келгусида касабаси уюшма спортни янада ривожлантириш, бу орқали мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортнинг оммавийлигини ошириш йўналишидаги ишларга муносиб ҳисса қўшиш борасида касабаси уюшмалари олдига турган долзарб вазифалар таъкидлаб ўтилди.

Ж.ТОШХҲАЕВ

Тошкент шаҳар Божхона бошқармаси "Келес" темир йўл чегара божхона пости ходимлари сифати кафолатланмаган ва божхона расмийлаштирувни тасдиқловчи ҳужжатлари бўлмаган озиқ-овқат маҳсулотларининг юртимизга ноқонуний олиб кирилишига чек қўйишди.

СИФАТИ КАФОЛАТЛАНМАГАН МАҲСУЛОТЛАР АНИҚЛАНДИ

"Москва—Тошкент" йўналишидаги халқаро қатнов поездини божхона назоратидан ўтказиш чоғида вагон ресторани хизматчилари фуқаролар С.А. ва С.Б.ларнинг қингир қилмишлари фош қилинди.

Ушбу шахслар божхона ходимларининг оғзаки сўрови давомида ва йўловчи божхона декларациясида маълум қилмасдан туриб, хорижда ишлаб чиқарилган ва сифати кафолатланмаган балиқ икралари, алкоголь ичимликлар, дудланган балиқ, пишлоқ ва колбасалар каби 66 турдаги озиқ-овқат ва 427 донга ҳар хил турдаги пластик идишларни олиб кирмоқчи бўлишган. Ушбу товарларнинг умумий қиймати 76,5 млн. сўмдан ошар экан.

Мазкур поездининг вагон кузатувчиси Т.К. исмли шахс эса дастлабки ҳисоб-китобларга кўра қиймати 16,8 млн. сўмлик рус тилида нашр этилган 168 донга диний мазмундаги китобларни божхона назоратига тақдим этмасдан ва декларацияламасдан олиб кираётган вақтида тўхтатиб қолинди.

Яна бир ҳолатда "Москва—Андижон"

йўналишидаги халқаро қатнов поездини божхона назоратидан ўтказиш чоғида вагон-ресторан хизматчиси фуқаро А.Т. умумий қиймати 85 млн. сўмлик сифати кафолатланмаган денгиз маҳсулотлари, колбаса, кофе, чой, алкоголь ичимликлари каби 78 турдаги озиқ-овқат маҳсулотларини ноқонуний олиб ўтишга уринган экан.

Шунга ўхшаш яна бир ҳолатда "Уфа—Тошкент" йўналишидаги халқаро қатнов поездининг йўловчиси фуқаро К.А. қиймати салкам 30 млн. сўмлик сифати кафолатланмаган болалар бўтқаси, шоколад, энергетик ва салқин ичимликлар каби 19 турдаги озиқ-овқат маҳсулотларининг қонунга хилоф равишда олиб ўтилатганини фош этилди.

Ҳозирда мазкур ҳолатлар юзасидан текширув ҳаракатлари давом эттирилмоқда.

Шу ўринда айтиш жоизки, белгиланган қонун-қоидаларга амал қилиш муҳимлигини унутмаслик лозим.

Тошкент шаҳар Божхона бошқармаси Ахборот хизмати

ЮЗ ЖИЛДИК КИТОБ

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институтида "Номоддий маданий мерос объектларини ҳимоя қилиш, асраш, тарғиб қилиш ва улардан фойдаланиш борасида белгиланган чора-тадбирлар" мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди, дея хабар беради ЎЗА.

Номоддий маданий мерос дурдоналари, шу жумладан, халқ оғзаки ижодини ўрганиш ва тарғиб этиш борасида амалга оширилган энг янги илмий тадқиқотлар билан кенг жамоатчиликни таништириш мақсадида ташкил этилган тадбирда фольклоршунос олимлар, профессор-ўқитувчилар, талаба-ёшлар ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 7 октябрдаги "2010-2020 йилларда номоддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, асраш, тарғиб қилиш ва улардан фойдаланиш Давлат дастурини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарори халқимиз бадий тафаккурининг тарихий-тадрижий ривожини ва тараққиёт қонуниятларини ўзида акс эттирадиган муҳташам маънавий қадриятлар силсиласини чуқур тадқиқ этиш ва оммалаштиришда алоҳида босқични бошлаб бергани қайд этилди.

Мазкур Давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадида институтда "Ўзбек халқ ижоди ёдгорликлари" юз жылдигини нашрга тайёрлаш ва уни текстовик ўрганиш масалалари" номли фундаментал илмий лойиҳа асосида халқ ижодиётининг энг сара намуналари жамланмасини яратишга киришилди.

Фольклор архиви материаллари асосида тайёрланаётган мазкур юз жылдик жамланма ўзбек халқ оғзаки ижоди асарларининг энг мукаммал намуналарини қамраб олади. Бу нашрнинг 59 жилди дostonлар, ўн жилди халқ қўшиқлари, ўн икки жилди эртақлар, қолган жилдлар эса терма, афсона, ривоят, нақл, мақол, топишмоқ, аския, лоф, латифа, оғзаки драма, болалар фольклори ва бошқа жанрлардан иборат бўлади.

Институтнинг фольклоршунос олимлари томонидан ҳозирги кунга қадар мазкур юз жылдикнинг элиқдан ортиқ жилди нашрга тайёрланди. Гафур Фулом номдаги нашриёт-матбаа ижодий уйи томонидан 2015-2018 йилларда унинг дастлабки 13 жилди чоп этилди.

Жорий йилда "Ўзбек халқ ижоди ёдгорликлари" юз жылдигининг жанубий Тожикистонда яшовчи ўзбеклар эртақларидан тузилган "Донишманд Искандар" номли эллигичи жилди нашрга тайёрланди.

Бундан ташқари, фольклор бўлимида олиб борилган амалий тадқиқотлар натижасида "Ўзбек фольклоршунослиги атамалари" луғати яратилди. Ўзбек халқ лирик қўшиқларининг тарихий асосларини ўрганиш ва мажмуасини тузиш борасидаги илмий изланишлар давом эттирилмоқда.

Даврон СУННАТОВ

ЭНГ БАЛАНД ЧАРХПАЛАК АТТРАКЦИОН ФЙДАЛАНИШГА ТОПШИРИЛДИ

"Анҳор-Локомотив" боғида Ўзбекистондаги энг баланд чархпалак аттракцион фойдаланишга топширилди.

Энг юқори нуқтаси 72 метр бўлган ушбу аттракцион 48 ёпиқ турдаги кабинадан иборат. Уларнинг ҳар бири ажойиб чироқлар ва ўзига хос байрамона безатилган бўлиб, пойтахтимиз манзарасини юқоридан томоша қилиш имконини беради.

272 киши билан айланишга мўлжалланган чархпалакнинг бир айланиши 12 дақиқани ташкил этади. Шунингдек, аҳоли, айниқса, болаларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш ва мароқли хордик чиқаришини таъминлаш мақсадида "Анҳор-Локомотив" боғида Янги йил байрами учун ажойиб совғалар тайёрланган.

Бу йилги байрам кўнларини айнан "Анҳор-Локомотив" боғида ўтказишга сабаблар кўп. Жумладан, энди боғга ташриф буярувчилар автомобилни қаерда қолдириш муаммоси ҳақида бош қотирмас ҳам бўлади. Шу йилнинг 22 декабридан бошлаб боғ ҳудудида 500 автомобилга мўлжалланган кўп қаватли автотурагоҳ иш бошлади.

Гулноза БОБОЕВА,
ЎЗА мухбири

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

2002 йилда Тошкент тўқимачилик ва энгил саноат институти томонидан Каюмов Хусамиддин Хуснитдинович номига берилган В №051187 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

"Яқасарой тумани ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри" давлат корхонаси томонидан Яқасарой тумани, Ракат боши берк 8-тор кўчаси, 52-уй учун Расулова Инобатта берилган кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент автомобиль йўлларини лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатацияси институти жамоаси институтнинг "Транспорт логистикаси" кафедраси профессори Мавлуда Наринбаева Ирисбекованинг волидаси

Любовь Нунохона ИРИСБЕКОВАНИнг вафоти муносабати билан марҳуманинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изхор этади.

ЎЗГИДРОМЕТ
ХАБАР ҚИЛАДИ

Тошкент шаҳрида 26 декабрь кунини ҳаво ўзгартирилади, вақти-вақтй билан ёмғир ёғиши мумкин. Кечаси ва эрталаб туман тушади. Фарбдан секундида 5-10 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 0-2, кундузи — 5-7 даража илқ бўлади.

Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, 26 декабрда Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратди, ифосланиш даражаси паст бўлади.

